



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ (ДХШ)НИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРНИ ТУРАР ЖОЙЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Абдуллаев Жавоҳир Абдумалик ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси*

doi: <https://doi.org/10.55439/ECED/vol24 iss5/a49>

Аннотация. Ушбу иммий мақолада олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклиги (ДХШ)ни ривожлантириши орқали талабаларни турар жойлар билан таъминлашнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган ҳамда ушбу йўналишлар бўйича истиқболда амалга ошириладиган чора-тадбирлар баён этилган.

Калим сўзлар. Студентн мезони, ARIMA модели, давлат-хусусий шериклиги, молия бозори, инвестицион лойиҳалар, кредит ресурслари.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЖИЛЬЕМ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА (ГЧП) В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

*Абдуллаев Жавахир Абдумалик угли -
Независимый соискатель
Ташкентского государственного экономического университета*

Аннотация. В данной научной статье показаны основные направления обеспечения жильем студентов посредством развития государственно-частного партнерства (ГЧП) в системе высшего образования, а также описаны меры, которые предстоит реализовать в будущем в этих направлениях.

Ключевые слова. критерий Студентта, модель ARIMA, государственно-частное партнерство, финансовый рынок, инвестиционные проекты, кредитные ресурсы.

KEY DIRECTIONS AND PROSPECTS OF PROVIDING ACCOMMODATION FOR STUDENTS ON THE BASIS OF DEVELOPING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP (PPP) IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM

*Abdullaev Javakhir Abdumalik ugli -
Independent Researcher
of the Tashkent State University of Economics*

Abstract. This scientific article shows the main directions of providing accommodation to students through the development of public-private partnership (PPP) in the higher education system, and measures to be implemented in the future in these directions are described.

Keywords. Student criterion, ARIMA model, public-private partnership, financial market, investment projects, credit resources.

Кириш. Сўнгги йилларда ДХШ механизмларини, хусусан, олий таълим тизимида ривожлантириш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Олий таълим тизимида ДХШнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз юритганда, энг аввало, айни пайтда ушбу тизимда юзага келган вазиятни тавсифлаш зарур. Хусусан, бугунги кунда мавжуд бўлган, таълим соҳасида, жумладан, олий таълим тизимида меъёрий-хукуқий асосларга тегишли камчиликлар, бизнесга олий таълим тизимида хизматлар кўрсатиш учун таклиф қилинадиган ДХШ лойиҳалар бозорларининг йўқлиги, молия бозорларининг ДХШ эҳтиёжларига мос келмаслиги (жумладан, узоқ муддатга инвестициялар жалб қилишни талаб эта-диган олий таълим тизимида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш учун кредит ресурслари олиш

қийинлиги), шунингдек, ДХШ тамойилларини амалиётга татбиқ этишга тайёр бўлган давлат ва муниципал хизматчи кадрлар йўқлиги Ўзбекистонда шериклик институти ривожланишини секинлаштиради.

Лекин шунга қарамай, ҳозирги пайтга келиб, олий таълим тизимида ДХШни ривожлантириш учун қатор шарт-шароитлар яратилган: олий таълим тизимида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда маслаҳатлар тизими доирасида давлат ва бизнеснинг қайта алоқаси кучаймоқда, давлат идоралари ва Сенатида, шунингдек, тармоқ вазирликлари ва маҳкамалар қошида турли эксперtlар кенгашлари ташкил қилинмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Давлат ва хусусий сектор ўргасидаги ўзаро муносабатларни оидада олишни таъминлашни талаб этилган олий таълим тизимида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш учун кредит ресурслари олиш

батларнинг назарий ва амалий асослари Г.Фишер, М.Портер, Д.Стиглиц, Т.Веблен, Ж.Кейнс, Р. Коуз, Ж.Гэлбрейт, М. Поланья, Э.Тоффлер, Й.Шумпетер каби хорижий олимлар асарларида кўриб чиқилган.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан И.А.Ирина ва Е.Н.Фанина томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда олий таълимни ривожлантириш замонавий тенденциялари ўрганилган бўлиб, олимлар ушбу тадқиқот ишларида глобаллашув жараёнларида олий таълим тизимида ўзгаришлар, олий таълим ва амалиёт интеграцияси, илмий тадқиқотларга асосланган олий таълим натижаларини тижоратлаштириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар мобиллиги, масофавий олий таълим масалаларини [12] тадқиқ этишган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиши ва сервис соҳаларини шакллантириш, бевосита таълим хизматлари, олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълим тизимини ривожлантириш, ҲХШ механизмини ривожлантиришнинг илмий-назарий, ташкилий-хукуқий ва методологик асослари республикамизнинг иқтисодчи олимларидан С.С.Фуломов, Қ.Х.Абдураҳманов [1], Ш.Н.Зайнутдинов [2], Н.Д.Раҳимова, О.Қ.Абдураҳманов, Н.К.Зокирова [3], М.Х.Сайдов [4], М.Қ.Пардаев [5], Б.Тўраев [6], Н.Юсупов, Ф.Карабаев [7], У.Джуманиязов [8], Б.Олланазаров [9], Қ.Халмуратов [10], Г.Садуллаева [11] ва бошқаларнинг асарларида кенг ёритилади. Шунингдек, Н.Юсупов ва Ф.Карабаев UNDP лойиҳалари доирасида ҲХШ шаклланиши, Б.Олланазаров туризм соҳасида ҲХШ асосида инвестиция механизмини такомиллаштириш, У.Джуманиязов эса уй-жой қурилиши соҳасида ҲХШ асосида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, Қ.Халмуратов Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасида ҲХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилишган.

Мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида ҳам олий таълим тизимини ривожлантириш масалаларининг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлиб, академик С.С.Фуломов томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда, асосан, олий таълим тизимининг самарали бошқарувуни йўлга қўйиш ва бу тизимни халқаро стандартларга мувофиқ рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган [13].

Шунингдек, Б.Ю.Ходиев эса олий таълим тизимини ривожлантиришда замонавий янги ўқув адабиётларининг аҳамиятини алоҳида ажратиб кўрсатади. Яъни бунинг учун олий таълим муассасаларидаги кутубхоналар фаолиятини ўзгарувчан тараққиёт муҳитига мос равиша босқичма-босқич ривожлантириш зарурлигини [14] таъкидлайди.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда иқтисодчи олимлардан Н.Юсупов ва Ф.Карабаев БМТ тараққиёт дастури доирасида ҲХШнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилганлар [10]. Шунингдек, У.Джуманиязов томонидан эса ҲХШ асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган изланишлар олиб борилган бўлиб [11], бироқ ушбу илмий изланишларда олий таълим тизимида ҲХШ механизмларини самарали қўллаш ва ривожлантириш истиқболлари мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган.

Ривожланган хорижий давлатларда самарали қўлланилиб келаётган ҲХШ асосида олий таълим тизимида халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо республикамизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий драйверларидан бири бўлган – ҲХШнинг замонавий иқтисодиётдаги ўрни тўлақонли аниқланмаганлиги, айниқса, таълим хизматлари, хусусан, ОТТда қайси шарт-шароитларда ҲХШни ривожлантириш, ҲХШ лойиҳаларининг кўлами ва давомийлиги, турлари, амалга оширишнинг институционал, ташкилий механизмлари, афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш, тадбиркорлик субъектларининг давлат ва олий таълим муассасаси (ОТМ)лари билан ўзаро алоқаларининг замонавий шароитларга мос келадиган механизмларини қидириб топиш, ОТТда ҲХШ таъмилларини кўллаш самарадорлигини, ривожланиш истиқболлари ва тенденцияларини аниқлаш масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаганлиги танланган мақола мавзуси долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Мазкур илмий мақоламизни ёзиш учун олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, сұхбат, статистик, иқтисодий, молиявий, эконометрик моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ушбу илмий мақоламизни ёзиш учун олиб борилган тадқиқотларимиз давомида республикамиз ОТМларида талабалар турар жойларига бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиб чиқдик. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, республикамизда ёшларнинг олий таълим билан қамрови 2017 йилда 9,5 %, 2018 йилда 15 %ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 20 фоиз ва 2022 йилда 38 фоизга етказилди (2022 йилда ОТМларга 190 375 нафар талаба қабул қилинди).

Бугунги кунда республикамиз давлат ОТМларида **615 мингдан** ортиқ талаба таълим

олмоқда. Шундан **281,5 минг** нафар талаба ўз уйларидан қатнаб, таълим олиш имконига эга.

Бугунги кунда республикамизнинг олий таълим муассасалариға қатнаб ўқиш имконини бермайдиган узоқлиқдаги ҳудудлардан келиб таълим олаётган талабалар сони **253,2 минг** нафарни ташкил этади.

Республикамиз олий таълим муассасаларида жами **95,5 минг** ўринлик **225 та** талабалар турар жойи бинолари мавжуд бўлиб, уларда **92,6 минг** нафар, яъни **97,0 фоиз** талабалар турар жой билан таъминланган.

Биз тадқиқотларимиз давомида мамлакатда олий таълим билан қамров даражасини ошириш мухим масала эканлиги, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 46-мақсадида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш, 2026 йилда қабул кўрсаткичини камидаги 250 мингга етказиш масаласи белгилаб берилганлиги ҳамда бу борада хусусий секторнинг улушкини ошириш долзарблигини инобатга олган ҳолда талабалар сони ва ТТЖларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблашнинг эко-

нометрик моделларини ишлаб чиқдик ҳамда 2027 йилгача бўлган прогнозларни амалга оширидик.

Бунинг учун дастлаб олий таълимда талабалар сонининг ошиши билан талабалар турар жойига бўлган талабнинг ўзаро боғлиқлигини миқдорий баҳолаш мақсадида регрессион таҳлил амалга оширилди. Таҳлилни амалга ошириш учун 2022/2023 ўқув йилида 107 та олий таълим муассасаларининг талабалари талабалар турар жойлари ва ижара хонадонларига жойлашиш ҳолати бўйича мавжуд маълумотлардан фойдаланилди. Кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик дарожаларини баҳолаш бўйича амалга оширилган корреляцион таҳлил натижаларига кўра талабалар сони билан турар жойга эҳтиёжи бор бўлган талабалар сони орасидаги юқори боғлиқлик мавжуд. Яъни университетнинг ҳудудий жойлашувидан қатъи назар талабаларни турар жой билан таъминлаш масаласи мухимлигича қолади. ТТЖлар қуввати ва уларга жойлашган талабалар сони билан умумий талабалар сони орасидаги боғлиқлик даражаси ҳам юқори боғлиқликка эга бўлмоқда.

1-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари

	X	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	FD	Y	Y ₁	Y ₂
X	1,0								
X ₁	0,9	1,0							
X ₂	0,9	0,8	1,0						
X ₃	0,8	0,7	0,8	1,0					
X ₄	0,8	0,7	0,8	1,0	1,0				
FD	0,4	0,3	0,4	0,4	0,4	1,0			
Y	0,9	0,7	0,9	0,6	0,6	0,3	1,0		
Y ₁	0,9	0,7	0,9	0,6	0,6	0,3	1,0	1,0	
Y ₂	0,2	0,2	0,3	0,3	0,2	-0,1	0,2	0,2	1,0

Манба: муаллиф ишланмаси.

Бу ерда: X – университетдаги мавжуд талабалар сони; X₁ – ўз уйи ва яъин қариндошиникига жойлашган талабалар сони; X₂ – турар жойга эҳтиёжи бор жами талабалар сони; X₃ – ТТЖлар қуввати (ўрин); X₄ – ТТЖга жойлашган талабалар сони; FD – ТТЖ тўлганлиги (жойлашганлар сонига нисбатан фоизда); Y – ижарага жойлаширишига мурожсаат қилганлар сони; Y₁ – ижарага жойлашган талабалар сони; Y₂ – турар жой масаласи ҳал этилиши зарур бўлган талабалар сони.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ТТЖ тўлганлиги, яъни мавжуд ўринлардан фойдаланиш даражаси билан барча кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғлиқлик заиф. Бу, ўз навбатида, ТТЖлардан тўлиқ фойдаланишини

йўлга қўйиш, улар сонини янада ошириш лозимлигини асослайди.

Келтириб ўтилган маълумотлар орасидаги боғлиқликни аниқ миқдорий баҳолаш мақсадида регрессион таҳлил амалга оширилди. Дастлаб турар жойга эҳтиёжи бор жами талабалар сони, университетдаги мавжуд талабалар сони таъсiri қараб чиқилди ва қўйидаги кўринишга эга бўлди:

$$X_2 = 0,46 * X; \quad t = (37,6) \quad R^2 = 0,93$$

Ишлаб чиқилган моделда озод ҳаднинг Стьюдент мезони бўйича адекват эмаслиги сабабли моделдан чиқарип ташланган. Ушбу моделнинг адекватлигини асослаш учун зарур бўлган қўшимча мезонлар биринчи иловада келтириб ўтилган. Модель натижаларига кўра, талаба-

лар сонининг 10 бирликка ошиши ТТЖга бўлган эҳтиёжнинг 46 бирликка ошишига сабаб бўлади.

Кейинги беш йилда талабалар сонининг ошишини мавжуд тенденцияга таянган турли эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқамиз. Прогнозни ишлаб чиқиш учун

$$TS = 404140 - 76951,6 * t + 7756,9 * t^2$$

$$t = (8,24) \quad (-4,78) \quad R^2 = 0,92$$

Ушбу моделнинг адекватлигини асослаш учун зарур мезонлар келтириб ўтилган бўлиб, қўшимча мезонлар 6-8-иловаларда берилган. Ишлаб чиқилган моделдан фойдаланган ҳолда, кейинги беш йил учун талабалар сонининг прогноз қийматлари ишлаб чиқилди (2-жадвал).

Ишлаб чиқилган прогноз натижаларига кўра, 2027 йилга бориб талабалар сони 2022 йил-

2010-2022 йиллар маълумотларидан фойдаланилди. Маълумотлар академик йил учун берилган, аммо таҳдилларни амалга ошириш учун оддий йиллар шаклида ифодаланди. Маълумотларнинг жадвал кўринишига таянган ҳолда, дастлаб квадратик моделдан фойдаланилди.

дагига нисбатан 1,89 баробарга ошади. Бошқача айтганда, 723811 кишига ошади.

Прогнозни амалга ошириш учун вақтли қаторлардан фойдаланилаётганилиги сабабли ARIMA модели асосида ҳам прогноз қийматлари ишлаб чиқилди.

2-жадвал

Талабалар сонининг квадратик модель асосида ишлаб чиқилган прогноз қийматлари
For 95% confidence intervals, $t(10, 0.025) = 2.228$

Йиллар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95 фоизлик ишонч оралиғи
2023	847174	70094,50	(690994, 1.00335e+006)
2024	995173	81964,10	(812546, 1.17780e+006)
2025	1158690	97187,80	(942139, 1.37523e+006)
2026	1337710	115546,00	(1.08026e+006, 1.59517e+006)
2027	1532250	136823,00	(1.22739e+006, 1.83711e+006)

Манба: муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, модель қўйидаги кўринишга эга бўлди:

$$(1 - L)^2 TS_t = 0,87 * (1 - L)^2 TS_{t-1}$$

$$t = (5,23) \quad R^2 = 0,99$$

Ушбу ишлаб чиқилган модель ҳам келтирилган барча мезонларга кўра адекват, шунинг-

дек, моделнинг ишончлилик даражасини ифодаловчи MAPE кўрсаткичи ҳам 5,0 ни ташкил этгани ҳолда 95 фоизлик ишончлиликнинг таъминланганини кўрсатмоқда. Юқоридағиларга асосланган ҳолда, ушбу модель асосида ишлаб чиқилган прогноз натижаларига тўхталамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Талабалар сонининг ARIMA (1 2 0) модель асосида ишлаб чиқилган прогноз қийматлари
For 95% confidence intervals, $z(0.025) = 1.96$

Йиллар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95 фоизлик ишонч оралиғи
2023	1138260	26986,5	(1.08536e+006, 1.19115e+006)
2024	1549170	82094	(1.38826e+006, 1.71007e+006)
2025	2030870	169806	(1.69805e+006, 2.36368e+006)
2026	2574360	292129	(2.00180e+006, 3.14693e+006)
2027	3171810	450121	(2.28959e+006, 4.05404e+006)

Манба: муаллиф ишланмаси.

ARIMA (1 2 0) модель асосида ишлаб чиқилган прогноз натижаларига кўра, 2027 йилга бориб, талабалар сони 3171810 кишига етади ва 2022 йилдагига нисбатан 3,9 баробарга ортади. Мазкур прогноз натижалари 2016-2026 йиллар-

да Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизими ривожланишининг асосий кўрсаткичларига мос келмоқда ва ушбу моделнинг ишончлилик даражаси квадратик моделга нисбатан юқори эканлигини кузатиш мумкин. Шу сабабли кейин-

ги йиллар учун талабалар сони прогнозини амалга оширишда ARIMA (1 2 0) моделидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Олинган натижаларга кўра, 2027 йилга бориб, олий таълим бакалавр йўналишида таълим олаётган талабалар сони 3171810 тага етиб, 2363371 тага ошади. Агар биринчи модель асосида олинган натижаларга таянган ҳолда ҳисобкитобларни амалга оширадиган бўлсак, турар жойга эҳтиёжи бор жами талабалар 1087150 (2363371*0,46) нафарга ошади. Ушбу ҳолатда мавжуд даражани сақлаб қолиш учун, яъни ҳозирда турар жойга эҳтиёжи бор жами талабаларнинг 36,6 фоизи ТТЖ билан таъминланганлигини ҳисобга олсак, ТТЖлар қуввати 397897 (1087150*0,366) бирликка оширилиши лозим бўлади. Ушбу кўрсаткич бугунги мавжуд қуввата га нисбатан 4,2 баробарга ошиқ. Табиийки, бундай шароитда ТТЖлар қувватини оширишда энг мақбул ва ягона йўл хусусий сектор улушкини ошириш ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этишда ДХШдан фойдаланиш ва ушбу масала бўйича давлат дастурларида келтирилган вазифаларнинг оғишмасдан бажарилиши талаб қилинади.

Шунингдек, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимида ДХШ лойиҳаларини ривожлантириш йўналишида республикамизда 2018-2020 ўқув иили давомида ДХШ лойиҳалари асосида 7 та ОТМлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сонли қарорига асосан 47 та ДХШ асосидаги ТТЖлар қурилиши белгиланган бўлиб, 42 тасида тегишли ишлар бошланган бўлса, 23 таси фойдаланишга топширилди.

2023 йилда ҳам **19916 қувватга** эга бўлган **59 та** ДХШ лойиҳалари асосида ТТЖлар қурилмоқда. Мазкур ОТМлари ўқув жараёнини ташкил этиши учун зарур бўлган ўқув бинолари ва иншоотлар билан таъминланди. Шунингдек, жорий йилда давлат таълим муассасаларига ДХШ лойиҳалари асосида умумий қўймати 4 млн. 274 минг АҚШ доллари эквивалентидаги 5 та инвестиция киритилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда олий таълим тизимида ДХШни ривожлантириш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун ОТМларга ижтимоий инфратузилма обьектлари (*ётоқхоналар, спорт иншоотлари, поликлиника, "Bookcafe", маший хизмат обьектлари*) қурилиши учун киритиладиган инвестицияларнинг

иқтисодий самарадорлиги пастлиги сабабли потенциал хусусий инвесторларни жалб этиш муаммолигича қолмоқда.

Шу сабабли турли имтиёзлар бериш механизmlарини ишлаб чиқиш, ДХШ лойиҳасининг имкониятларини тарғиб қилиш ва уни ривожлантириш бўйича ОАВларда лавҳа ва рекламалар бериб бориш лозим.

Мақоламизни ёзиш учун ўтказилган таҳлиллар олий таълим тизимида ДХШ лойиҳалари доирасида давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзаро алоқалар йўналишларини ажратиб олишга имкон берди:

- таълим дастурларини ишлаб чиқиш;
- ўқитиши мазмунига талаблар белгилаш;
- олий таълим муассасалари ходимлари ва битирудчиларининг лавозим мажбуриятлари ва малакавий талаблари, профессионал стандартларни ишлаб чиқиш;
- дастурларни аккредитация қилиш ва тайёргарлик сифатини мустақил баҳолаш;
- кадрларни мақсадли тайёрлаш;
- олий таълим муассасалари талабаларининг илмий-ишлаб чиқариш амалиёти ва стажировкаси;
- кадрлар таъминоти, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва стажировкаси;
- қўшма тадқиқотчилик лойиҳалари;
- таълим муассасасини бошқариш;
- грантлар ва стипендиялар шаклида моддий қўллаб-кувватлаш;
- таълим кредитлари;
- олий таълим муассасаларини молиялаштиришга мақсадли капитални йўналтириш;
- олий таълим муассасаларининг асосий бўлмаган функциялари аутсорсинги;
- олий таълим муассасалари инфратузилмасини яратиш/модернизация қилиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, олий таълим тизимида ДХШнинг турли шаклларини қўллаш таълим хизматлари сифати ва очиқлигини оширишга имкон беради, олий мактабга энг янги бошқарув технологияларини жалб қилишга хизмат қиласи, ДХШ лойиҳалари бюджетининг харажатлар қисмини оптималлаштиради, олий таълим муассасаларининг таълим, ижтимоий ва илмий-инновацион инфратузилмасини модернизация қилишга имкон яратади, олий таълим муассасалари ИТТКИни ишлаб чиқаришга жорий қилинши тезлаштиришга хизмат қиласи, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гулямова С.С, Абдурахмонова К.Х. Образование и человеческое развитие: Мировая практика и опыт Узбекистана. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2004. – 170 с.
2. Рахимова Д.Н., Абдурахмонов О.К., Зокирова Н.К. Образовательный маркетинг и рынок труда. – М.: Сов.писатель, 2005. – 144 с.
3. Сайдов М.Х., Перегудов Л.В. Менеджмент и экономика высшего образования. – Т.: Молия, 2001. – 252 с.

4. М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаев умумий таҳрири остида. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантариш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 259 б.
5. Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан, 2009.
6. Садуллаева Г.С. Ўзбекистонда таълим хизматлари бозорини ривожлантариши истиқболлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 6-сон, ноябрь-декабрь, 2018.
7. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини тақомиллаштириш. PhD илмий даражаси учун дисс. авторферати. – Т.: ТДИУ, 2017. – 58 б.
8. Олланазаров Б. Давлат-хусусий шерикчилиги механизми асосида туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – Хива, 2019. №1. 36-41 б.
9. Халмуратов Қ. Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тақомиллаштириш. PhD илмий даражаси учун дисс. авторферати. – Нукус: ҚорДУ, 2021. – 63 б.
10. Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. / Под. редакк. А.Э.Шайхова. – Т., 2013. www.undp.uz
11. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини тақомиллаштириш. И.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2018. – 27 б.
12. Ирина И.А., Фанина Е.И. Современные тенденции развития высшего образования. // ISSN: 1991-5497. Мир науки, культуры, образования (электронный журнал). № 5 (96). 2022.
13. Гуломов С.С. Дистанционное экономическое образование. – Т.: Шарқ, 2004. – 203 с.
14. Ҳодиев Б.Ю. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлари яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. – Т.: ТДИУ, 2005. – 168 б.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ (КАСБИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ)

Пантин Роман Владимирович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Инновацион таълим” кафедраси доценти

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим самараదорлигини ошириш мақсадида, олий таълим муассасаларида иқтисодий таълим бериш йўналишлари, кўрсаткичлари, иқтисодий таълим бериш жараёнини янада тақомиллаштириш истиқболлари, бу борада хорижий олимларнинг қарашлари, соҳада мавжуд муаммолар таҳлил қилинib, илмий изланишлар натижасида хулоса ва тақлифлар келтириб ўтилган.

Ключевые слова: олий таълим, иқтисодий билим, Интернет, ўқитувчи, дарслик, ўқув қўлланма, мутахассислик, курс, таълим жараёни.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ (ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ)

Пантин Роман Владимирович -
Доцент кафедры «Инновационное образование» Ташкентского
государственного экономического университета

Аннотация. В целях повышения эффективности высшего образования были проанализированы направления экономического образования в высших учебных заведениях, показатели, перспективы дальнейшего совершенствования процесса экономического образования, мнения зарубежных ученых на этот счет, существующие проблемы в данной области и в результате научных исследований были сделаны выводы и предложения.

Ключевые слова: высшее образование, экономические знания, Интернет, преподаватель, учебник, самоучитель, специальность, курс, образовательный процесс.

ISSUES OF IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF HIGHER EDUCATION (PROFESSIONAL ECONOMIC EDUCATION)

Pantin Roman Vladimirovich -
Associate Professor of the Department of
“Innovative Education” of TSUE

Annotation. In order to increase the effectiveness of Higher Education, the directions of Economic Education in higher educational institutions, indicators, prospects for further improvement of the process of Economic Education, views of foreign scientists in this regard, existing problems in the field were analyzed and conclusions and suggestions were made as a result of scientific research.

Keywords: higher education, economic knowledge, Internet, teacher, textbook, tutorial, specialty, course, educational process.